

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ 16.07.2013 К/В/Т. 13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

ЦЕОМАШКО НАТАЛЬЯ ЕВГЕНЬЕВНА

**БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР СКРИНИНГИ ВА МОНОКЛОНАЛ
АНТИТАНАЛАР ОЛИШ УЧУН ҲУЖАЙРА КУЛЬТУРАЛАРИДАН
(НОРМАЛ ВА ХАТАРЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАНГАН) ФОЙДАЛАНИШ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё
(биология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ ТОШКЕНТ–2016

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Цеомашко Наталья Евгеньевна

Биологик фаол моддалар скрининги ва моноклонал антитаналар олиш учун хужайра культураларидан (нормал ва хатарли трансформацияланган) фойдаланиш..... 5

Цеомашко Наталья Евгеньевна

Применение культур клеток (нормальных и злокачественно трансформированных) для скрининга биологически активных веществ и получения моноклональных антител..... 33

Tseomashko Natalya Yevgenevna

Using cell cultures (normal and transformed malignantly) for screening biologically active substances and obtaining the monoclonal antibodies..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 90

**УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 16.07.2013 К/В/Т. 13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ЦЕОМАШКО НАТАЛЯ ЕВГЕНЬЕВНА

**БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР СКРИНИНГИ ВА МОНОКЛОНАЛ
АНТИТАНАЛАР ОЛИШ УЧУН ҲУЖАЙРА КУЛЬТУРАЛАРИДАН
(НОРМАЛ ВА ХАТАРЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАНГАН)
ФОЙДАЛАНИШ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё
(биология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/В2014.5.В69 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (<http://ss.biochem.uz>) ва “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида ([www. ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Азимова Шахноз Садыковна

биология фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Ахунов Али Ахунович

биология фанлар доктори, профессор

Далимова Сурайё Нугмановна

биология фанлар доктори, профессор

Саитмуратова Огилжон Худайбергеновна

биология фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги 16.07.2013 К/В/8Т.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2016 йил «__» _____ куни соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел 262 35 40, факс (99871) 262 70 63).

Докторлик диссертацияси билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262 35 40, факс (99871) 262 70 63; e-mail: asrarov54@mail.ru)

Автореферат 2016 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2016 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.С. Тўраев,

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

М.И. Асраров,

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., проф.

Д.А. Кадирова,

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар
раиси, б.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Турли ўсмаларга қарши ҳамда бошқа биологик фаолликларга эга бўлган янги бирикмаларни аниқлаш биоорганик кимё, хужайра биологияси ва фармакологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Республикамизнинг бир қанча илмий лабораторияларида кўп йиллар мобайнида систематик тарзда турли фаол бирикмаларини ажратиш ва синтез қилиш, ушбу бирикмаларнинг фармакологик фаоллигини аниқлаш бўйича ишлар амалга ошириб келинган ва ушбу бирикмаларнинг оз қисминигина антиаритмик, холинэстераза, эстроген ва яллиғланишга қарши биологик фаолликлари синалган бўлиб, уларнинг цитотоксик фаоллиги ҳозиргача ўрганилмаган. Кимёвий бирикмалар, доривор воситалар ва тиббиёт жиҳозларини турли хужайра культураларида *in vitro* усулларида цитотоксик фаоллигининг скрининги Халқаро GLP (Good Laboratory Practice) талабларига биноан клиниколди синовларининг таркибига киради. Моддаларнинг *in vitro* текшириш усуллари янги кимёвий бирикмаларнинг дастлабки тадқиқоти учун ҳаражатларни камайтириш ва вақтни тежаш имконини беради.

Дифференцировка, канцерогенез, хужайра ҳаракатчанлиги, пролиферация, наслий маълумотни ўтказиш, генлар экспрессиясини назорат қилиш каби муаммоларни ечишда жаҳон фанида, асосан, хужайра культураларидан фойдаланилади. Шунингдек, хужайра культураси тиббиёт ва қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларни ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Хусусан, асосий амалий вазифаларга вакциналар ва физиологик фаол бирикмаларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш, гибридому технологиялари ёрдамида моноклонал антитаналарни олиш, оғир хасталикларни генотерапия ва хужайра терапияси ёрдамида даволаш кабилар киради.

Юқорида айтиб ўтилган фикрларга боғлиқ равишда, нормал хужайраларга нисбатан паст захарлиликка эга ва ўсма хужайралари ўсишини ингибирловчи бирикмаларни ҳамда регенератив тиббиёт учун ўсма хужайраларини эмас, балки нормал хужайралар пролиферациясини келтириб

чиқарувчи моддаларни аниқлаш, эритропоэтинга моноклонал антитаналарни ҳосил қилувчи гибридомаларни олиш долзарб саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сон «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва

5

технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Ўсма хужайраларини ҳар бир типи учун юқори фаолликка бўлган бирикмаларни аниқлашга ва цитотоксиклигини скрининг қилишга йўналтирилган, шунингдек, захарлиликнинг специфик турларини кенг ассортиментини тадқиқ қилиш, кимёвий бирикмалар ва дори воситаларини клиниколди синовларини *in vitro* усуллари бўйича илмий изланишлар, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Саломатлик Миллий институти (Мэриленд, АҚШ), Ўсма Миллий институти (Роквилле, АҚШ), Патология институти (Сиэтл, АҚШ), Рокфеллер университети (АҚШ), ЖССТ қошидаги ўсмаларни ўрганиш маркази (Брюссель, Бельгия), Цитология институти (Санкт-Петербург, Россия), Биоорганик кимё институти (Ўзбекистон); EURL ECVAM ва ЕРАА (Европа), – JaCVAM (Япония), KoCVAM (Корея), Health Canada (Канада), ICATM (АҚШ), Vitroscreen (Италия) олиб борилмоқда.

Турли хужайра культураларида ўсма хужайраларига танлаб таъсир қилувчи моддаларни *in vitro* усулида аниқлаш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўсма хужайраларига танлаб таъсир қилувчи, асосан, ўсма хужайраларда мутант оксилларни инактивациясини чакирувчи янги воситалар – винтафолид (Merk&Co, АҚШ), эрлотиниб (Roche, Швейцария), афатиниб (Boehringer ingelheim pharm. Inc., АҚШ), кризотиниб (Pfizer Inc., АҚШ) ва церитиниб (Novartis, АҚШ) каби доривор воситалар ишлаб чиқилган, бевацизунаб (Pfizer Inc., АҚШ) ангиогенезни ингибирлаган; турли антигенларга, шу жумладан, эритропоэтинга ҳам моноклонал антитаналар олинган («Roche», Швейцария, «Протеиновый контур», Россия).

Дунёда *in vitro* усулида кимёвий бирикмалар ва доривор воситаларнинг скринингини ўтказиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор

йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: онкологияда қўллаш учун ўсма хужайраларини ўсишини тўхтатувчи, танлаб таъсир этувчи моддаларни аниқлаш; регенератив тиббиёт учун нормал хужайралар ўсиши селектив пролифераторларини аниқлаш; цитотоксикликни умумий ва специфик турларини белгилаш; хужайра даражасида бирикмаларнинг таъсир механизмларини исботлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *In vitro* усулларини қўллаб ўсма хужайраларини ингибирловчи бирикмаларни аниқлаш ишлари ўтган асрнинг 70-йиллари охирида R.I.Freshney, T.Mosmann, K.Taylor, G.Taju каби олимлар томонидан ўрганилган. Регенератив тиббиётда хужайра культураларидан фойдаланишни эса улардан олдин P.B.Medawar, J.Rheinwald, H.Green ва бошқалар йўлга қўйган, гибридома технологиялар ривожланиши бўлса 80-йилларда Kohler ва Milstein бошланган. Ҳозирги кунда ушбу йўналишлар жадал ривожланмоқда, масалан, автоматлаштирилган лабораторияларда янги бирикмалар скрининги (Рокфеллерлар университети ва Саломатлик Миллий институти) 96

6

катакчали планшетларда эмас, балки 384, 1536 ёки 3456 катакчали планшетларда HTS (high-throughput screening) деб номланувчи усулда амалга оширилиб, бутун дунёдан олинган бирикмалар ўрганилмоқда (J.Agrestita, X.Zhang, A.Florian).

МДХ давлатларида одам ва ҳайвон хужайра культураларидаги бирикмаларни скрининг қилишда М.Ю.Еропкин, Г.Георгиев, Н.Р.Тафришьян, А.А.Алексеев, В.И.Шумаков, Е.В.Парфенова каби олимлар ютуқларга эришган.

Ўзбекистонда ҳам хужайра культурасидан фойдаланиш ўтган асрнинг охириларида бошланган. Ўша даврнинг 70–80 йилларида Абдукаримов А.А., А.А.Арипджанова, Т.Г.Гулямова, Ш.С.Азимова, О.Петрова, С.Е.Мучник ва бошқаларнинг изланишлари одам эмбрионининг нормал хужайралари ва HeLa хужайраларининг рецептор тизимини ўрганишга бағишланган эди. Ўсимлик моддалари кимёси институтида А.Х.Юлдашев томонидан илк марта ўсмага қарши фаолликка эга винкрестин ва винбластин моддалари ажратиб олинган бўлиб, уларнинг ўсма хужайралари ўсишини ингибирловчи хоссаси бу институтда эмас, балки Венгрияда аниқланди. 2002–2003 йиллардаёқ молекуляр генетика лабораториясида проф. Ш.С.Азимова бошчилигида В гепатитининг сиртки антигенларига моноклонал антитана ҳосил қилувчи гибрид хужайралар олинди. 2005 йилда Биоорганик кимё институтида Н.Н.Кузнецова томонидан сичқонлар меланомаси хужайраларининг янги линияси олиниб, патентланган. Шу йилда Ўсимлик моддалари кимёси институтининг молекуляр генетика лабораториясига верификацияланган ўсма хужайралари (Hela, Hep–2 ва HBL–100) линияси келтирилган. Ҳозирги вақтда молекуляр генетика лабораториясининг хужайра культуралари коллекциялари доимий тарзда хужайраларнинг янги линиялари билан тўлдирилиб келинмоқда ва хужайра культуралари бўйича систематик

тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № А-10-144 «Одам эритропоэтинига қарши моноклонал антитаналар олиш» (2006–2008), № ФА-Ф3-Т041 «Ген-хужайра биологияси усуллари ёрдамида биологик фаол бирикмаларни олиш ва фармако токсикологик хусусиятларини ўрганиш» (2007–2011) ва № ФА-Ф6-Т198, «Биологик фаол моддаларни хужайра метаболизмига таъсирини ўрганиш» (2012–2016) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нормал хужайраларга кам захарли бўлиб, ўсма хужайралари ўсишини ингибирлайдиган, ўсма хужайраларига таъсир қилмаган ҳолда нормал хужайралар ўсишини тезлатадиган цитотоксик бирикмаларни аниқлаш ҳамда рекомбинант эритропоэтинга қарши моноклонал антитаналарни синтез қилувчи гибрид хужайраларни (гибридомалар) олишдан иборат.

7

Тадқиқотнинг вазифалари.

Ўсма хужайраларини ингибиторларини аниқлаш бўйича:

экстрактлар ва индивидуал бирикмаларни хатарли трансформацияланган хужайраларнинг (Hela – бачадон бўйни ўсмаси, Нер-2 – ҳикилдоқ ўсмаси ва HBL-100 – сут безлари ўсмаси) хужайра моделларида таъсирини аниқлаш;

бирикмалар скрининги учун одам фибробластлари ва каламуш гепатоцитлари нормал хужайралари культураларини олиш; нормал хужайраларнинг (фибробластлар ва гепатоцитлар) хужайра моделларида экстрактлар ва индивидуал бирикмалар таъсирини ўрганиш. Регенератив тиббиёт учун нормал хужайралар пролифераторларини аниқлаш бўйича:

фибробластлар ва кератиноцитларнинг хужайра культураларини ажратиб, улар асосида тўқима-муҳандислик конструкцияларини яратиш; одам ва қуён фибробластларнинг хужайра культураларига флавоноидлар ва фитостероидларнинг таъсирини аниқлаш; аниқланган хужайралар пролифераторлар ва тўқима-муҳандислик конструкцияларини *in vivo* шароитларида куйган яраларнинг битиш жараёнига таъсирини аниқлаш.

Эритропоэтинга қарши моноклонал антитаналар (МКАТ-ЭПО) ҳосил қилувчи гибрид хужайраларни олиш бўйича:

BALB/с линияси сичқонларини рекомбинант эритропоэтин билан иммунизация қилиш схемасини ишлаб чиқиш;

сичқон миеломаси Х63Ag8,653 хужайраларини рекомбинант эритропоэтин билан иммунизацияланган BALB/с линия сичқонларнинг спленоцитлари билан туташтириш;

МКАТ-ЭПО гибридом-продуцентларининг селекцияси, скрининги ва

уларни клонлаштириш;

рекомбинант эритропоэтинга моноклонал антитаналарни препаратив миқдорда олиш учун истиқболли клонларни танлаб олиш ва тавсифлаш, асцит ажратиб олиш;

рекомбинант эритропоэтинга моноклонал антитаналарни олиш ва тозалаш;

МКАТ-ЭПОдан фойдаланган ҳолда аффинли хроматография услуги билан плацентар қондан табиий эритропоэтинни ажратиб олиш ва тозалаш.

Тадқиқот объекти сифатида фибробластлар, кератиноцитлар ва гепатоцитларининг ҳужайра культуралари, Hela – бачадон бўйни ўсма ҳужайралар, Нер–2 – ҳиқилдоқ ўсмаси ва HBL–100 – сут беzi ўсмасининг ҳужайра культуралари, терининг дермал эквиваленти, экстрактлари, табиий ва индивидуал бирикмалар (тропан қатор алкалоидлари, фенил- ва феноксисирка кислоталари, фенилгидразин ва норфлуорокурарин ҳосилалари, фитостероидлар, флавоноидлар), IIIA даражадаги термик куйишли экспериментал ҳайвонлар, BALB/с линия сичқонлар, сичқон миеломаси X63Ag8.653 ҳужайралари танланган.

8

Тадқиқот предмети - цитотоксик, пролифератив ва метаболик фаолликлари, куйган яралар регенерацияси, гибрид ҳужайралар эритропоэтинга моноклонал антитаналар ҳосил қилиш қобиляти ва олинган моноклонал антитаналарни имуносорбент сифатида қўллаш имкониятлари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда биоорганик кимё (оксилни бўлиш, миқдори ва сифатини аниқлаш, спектрофотометрик, электрофорез усуллари), ҳужайра биологияси ва инженерияси (бирламчи ҳужайра культуралари ва гибридом олиш услублари), биокимё услублари (колориметрик услублар – МТТ, нейтрал-кизил, ЛДГ-тест), имунокимёвий (Уохтерлони, ИФА) услублардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир қатор биологик фаол бирикмалар ва экстрактларнинг янги фармакологик фаолликлари аниқланган;

Convolvulus туркум ўсимликлари, *Vinca major* ва *Arundo donax* ўсимликларидан ҳамда *Vinca* туркуми ўсимликларида паразит яшовчи эндофит-замбуруғлардан олинган экстрактлар ўсма ҳужайраларининг селектив цитотоксик фаолликка эгаллиги исботланган;

Convolvulus туркум ўсимликларидан олинадиган конвольвин алкалоидининг ҳосиласи ҳиқилдоқ ўсмаси ҳужайралари ўсишини ингибирлаб, айна вақтда бачадон ва сут безлари ўсма ҳужайралари ўсишини ингибирламайдиган ҳамда нормал ҳужайраларга қарши паст цитотоксиклик намоён қилувчи, танлаб таъсир қилувчи бирикма – N-бензил конвольвин аниқланган;

ўсма ҳужайралари ўсишини селектив ингибирлайдиган бирикмалар – n-Cl-ацетилфенилсирка кислота, n-Cl-феноксисирка кислота ва фенилгидразон

норфлуорокурарин йодметилати аниқланган;

хлорсакловчи алкалоидлар, хусусан, конвольвин ва винканин ҳосилаларининг танламай таъсир қилувчи юқори цитотоксик фаоллигининг Цисплатин препаратига тенг даражада таъсир қилиши аниқланган;

мезенхимал хужайралар культураларини олиш услуби ишлаб чиқилган; экдистерон фитоэкдистероиди тери хужайралари – фибробластлар ва кератиноцитлар пролиферациясини ошириши ҳамда ҳиқилдоқ, сут безлари ва бачадон ўсма хужайраларининг пролиферациясини чақирмаслиги аниқлаган; экдистерон аллофибробластлар билан биргаликда аутоэпидермоцитлар пролиферацияси ва тўқима эпителизациясининг ортишига олиб келиши исботланган, бу эса куйган яраларни даволашда уларни қўллаш мумкинлиги кўрсатади;

рекомбинант эритропоэтинга қарши моноклонал антитаналар ҳосил қилувчи гибридома-продуцентлар олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат: мезенхимал хужайралар культурасини олишнинг оптимал усуллари ишлаб чиқилган;

экстрактлар ва индивидуал бирикмалар скрининги олиб борилиб, улар орасидан ўсма хужайралари учун селектив ингибиторлар ва тери хужайралари пролифераторлари аниқланган;

9

бирикмаларнинг биологик фаоллиги ва заҳарлилик дозалари аниқланган;

ША даражали куйишларни даволаш учун самарали усул ишлаб чиқилган;

эритропоэтинга қарши моноклонал антитаналар ҳосил қилувчи гибридом-продуцентлар олинган;

эритропоэтинга қарши моноклонал антитаналар асосида табиий ва рекомбинант эритропоэтин олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган замонавий аналитик ва статистик усуллар, олинган натижаларни мутахассислар томонидан тасдиқланганлиги ва тадқиқот ишлари натижаларини амалда қўлланилиши ҳамда олинган натижаларни республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилиниши, рецензия қилинувчи илмий нашрларда чоп этилиши ва олинган патентлар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари, шубҳасиз, фундаментал ва амалий аҳамиятга эга, чунки кўплаб экстракт ва индивидуал бирикмалар орасидан танлаб олинган хужайралар ўсишининг фаол ингибиторлари ҳамда пролифераторлари ушбу йўналишларда уларнинг таъсир механизмлари борасида чуқур изланишлар истиқболини очади.

Халқаро талабларга жавоб берувчи (*GLP*) биологик фаол моддаларни, доривор воситаларининг клиниколди скрининги *in vitro* усуллари йўлга қўйилган бўлиб, улар ёрдамида тез ва кам харажат билан янги бирикмалар ва препаратларнинг цитотоксиклиги аниқланади. Ушбу усуллар билан аниқланган

паст цитотоксикликка эга ҳамда ўсма хужайраларини ингибирловчи экстрактлар ва индивидуал бирикмалар ўсмаларга қарши воситалар сифатида *in vivo* синовлари учун таклиф қилинган. Ишлаб чиқилган тери хужайраларининг культураларини олиш усули ва тўқима-муҳандислик конструкциясини куйган яралар терапиясида қўллаш эпителизациясини сезиларли тезлаштиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биологик фаол бирикмаларнинг цитотоксиклигини аниқлаш учун ўтказилган скрининг ва моноклонал антитаналар олиниши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гибрид хужайраларининг истиқболли иккита субклони ажратиб олинган ва унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 02943, 16.12.2002). Илмий-тадқиқот натижасида реокмбинант эритропоэтинга қарши моноклонал антитаналар олинган;

N-бензил конвольвин алкалоидининг янги биологик хоссаси аниқланган ва ихтирога патент билан ҳимоя қилинган (№ IAP 04965, 16.02.2012). Илмий тадқиқот натижасида ушбу бирикма нормал хужайраларга цитотоксик таъсир қилмаганлиги сабабли ҳақиқат ўсма хужайралари ўсишининг селектив ингибитори сифатида тавсия қилинган.

«Ўзстандарт» агентлигидан давлатлараро стандартга мувофиқ келувчи тиббиёт жиҳозлари ва доривор воситаларнинг цитотоксиклигини аниқлаш

10

мақсадида Синов марказидан аккредитация гувоҳномаси (№UZ.AMT.07.MAI.220) олинган.

«Доривор воситалар, тиббий жиҳозлар, косметик воситалар, кимёвий бирикмалар, пестицидлар ва ветеринария воситалари цитотоксиклигини баҳолаш» услубий кўрсатмаси тасдиқланган (ЎЗР ССВ Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси, № 8Н-Р/18, 02.03.2016 й.).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, Ёш олимлар конференцияларида (Тошкент, 2004, 2009, 2010, 2011, 2012) каби республика, Халқаро биотехнология съездида (Пушино, РФ, 2006), 7- ва 10- Chem. of Natur. Comp. (Тошкент, 2007, 2013), 3- Ed. Plant Res and the Bioact. Ingrid. (Хитой, 2012), 11- Ed. Plant Res. and the Bioact. Ing. (Туркия, 2015) сингари халқаро илмий амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, улардан 2 та ихтиро патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 та маҳаллий ва 3 та Халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тиббиёт, биология ва кимё фанларининг илмий ва амалий вазифаларини ечишда хужайра культураларини қўллашнинг замонавий масалалари**» деб номланган биринчи бобида хужайра культураси, уларни ўстириш ва қўллаш усулари, ўсимлик экстрактлари ва индивидуал бирикмаларни хужайраларнинг турли культураларидаги цитотоксик фаолликлари, хужайра ўсиши пролифераторлари ва ингибиторларини аниқлаш усуллари ва замонавий ўсмаларга қарши препаратлар ҳақида умумий маълумотлар берилган. Бундан ташқари, регенератив тиббиётда хужайра культурасидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар ва маълумотлар келтирилган. Айрим бўлинмалар гибридома технологиялари ҳамда эритропозетин гормони асосидаги препаратларга

бағишланган.

Диссертациянинг **“Ишда қўлланилган материаллар, шароитлар ва биоорганик кимё, биотехнология ва ҳужайра биологиясининг усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот изланишлари бажарилишида фойдаланилган материаллар ва усуллар, хусусан, биоорганик кимё (оксилни микдорий ва сифат аниқлаш учун гелъфилтрация, иммуналмашинув ва аффин хроматография, спектрофотометрия, электрофорез ва бошқа усуллари), ҳужайра биологияси ва инженерияси (бирламчи ҳужайра культураларини, гибридом ва тўқима-муҳандислик конструкцияларини олиш услублари), биокимёвий (колориметрик услублар – МТТ, нейтрал-кизил, ЛДГ-тест), иммунокимёвий (Уохтерлони, ИФА) услублардан фойдаланилган.


Диссертациянинг **«Экстрактлар ва индивидуал бирикмаларнинг цитотоксик ва пролифератив фаолликларини аниқлаш»** деб номланган учинчи бобида нормал ва хатарли трансформацияланган ҳужайралар культураларини ўстириш ва олиш натижалари ҳамда мазкур культураларда экстрактлар, индивидуал бирикмаларни цитотоксик ва пролифератив фаолликларини скрининг қилиш натижалари, регенератив тиббиётда ҳужайра культураларидан фойдаланиш бўйича изланишлар муҳокама қилинган.

Изланишларда эксплант ноферментатив усули билан олинган фибробласт, кератиноцит ва гепатоцитлар нормал ҳужайраларининг культураларидан фойдаланилган. Бунда мазкур усул ўстириш факторларига (EGF – ўсишнинг эпидермал фактори, FGF – фибробластларнинг ўсиш фактори ва ҳк.) ва матрица оксилларига (I ва III типдаги коллагенлар,


12

эластин, ва бошқ.) бой фибробластларни конфлюент культурасининг супернатанти билан кондициялаш йўли билан мақбуллаштирилди. Ҳужайра культуралари олишнинг оптималлаштирган услубимизнинг асосий ютуқлари дифференциация босқичидаги пролифератив фаол ва яшовчан ҳужайралар пули олинади ва шу билан бирга фидер қатлами ва қатор, қимматбаҳо қўшимчаларга эҳтиёж қолмайди. Ушбу услуб тежамкор ва юқори унумли бўлиб Хейфлик лимитидан йироқ, ҳужайралардан таркиб топган моноқават бир ёшли нормал ҳужайралар культураси олинади ва бу ўз ўрнида регенератив тиббиёт учун муҳим.

Шундай тарзда фибробласт ҳужайра культуралари – одам, қуён, сичқон, каламуш ва уларнинг эмбрионларининг (1-расм) ФХКлари, одам ва қуён терисининг кератиноцитларининг бирламчи культураси – КБК (2-расм), каламушларнинг гепатоцилари культураси - КГК (2-расм) олинган.



1-расм. Фибробластлар хужайралари культуралари: А – одам дермасининг экспланти, ўстиришнинг 3-суткаси; В – одам фибробластлари моноқавати, 10-сутка; С – қуён фибробластларини моноқавати, 10- сутка; D – каламуш дермаси фибробластлари, 10- сутка; E – каламуш эмбриони фибробластлари, ўстиришнинг 10-суткаси; F – сичқон фибробластлари, 10-сутка; ок. $\times 10^{-6}$ $\times 5 \times 10^{-6}$



AB

**2-расм. 20 кунлик одам КБК (А) ва 3 кунлик гепатоцитларнинг
культураси (В), ок. ×10, об. ×40.**

13

Олинган культуларларнинг морфологик тадқиқоти КБК – эпителийсимон хужайралар билан ФБК - фибробластсимон хужайраларидан иборат, гепатоцит хужайралар эса 1-2 йирик ядроли бўлиб, адабиёт маълумотларига тўлиқ мос келади. Олинган хужайра культуралари кимёвий бирикмалар, дори воситалари ва тиббиёт жиҳозларини клиник олди *in vitro* скрининги учун ҳамда косметология ва регенератив тиббиёт учун ҳам маъқул келади.

Экстрактлар ва индивидуал бирикмаларни цитотоксик, пролифератив ва бошқа фаолликларга скрининг учун РФА цитология институтининг хужайра культуралари банкidan олиб келинган Hela - бачадон бўйни ўсимтаси, HEp-2 - ҳиқилдоқ ўсимтаси ва HBL-100 - сут безлари ўсимтасининг верификацияланган линияларидан фойдаланилган. Ўсимта хужайраларидаги тадқиқотлар З.С.Хашимова, Е.О.Терентьева билан биргаликда олиб борилди.

Шу билан бирга бирикмалар скрининги хужайралар нормал культураларида ҳам олиб борилди. ФХҚдан 5-7 пассаждарда, ГБК 1 пассажда, конфлюэнтлик 80% ни ташкил этганга қўлланилди. Хужайраларнинг метаболик ҳолати скрининги қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланган: 1) митохондриял дегидрогеназаларни Мосман тест - МТТ-тестида митохондриял дегидрогеназаларнинг умумий фаоллигини пасайиши; 2) лизосомал функцияга коррекцияланувчи қизил витал бўёғи эндоцитозини камайиши - нейтрал-қизил тест; 3) хужайра мембранасини шикастланиш маркери сифатида ишлатиладиган (ЛДГ-тест) лактатдегидрогеназанинг цитозол ферменти инкубация муҳитида фаоллашиши. Цитотоксиклик фаоллигини аниқлашда солиштириш препаратлари сифатида - «Цисплатин–Тева» (Pharmachemie, B.V., Голландия) ишлатилди. Назорат сифатида ўстириш муҳитига киритилган интакт хужайралардан фойдаланилган.

ЎЗР ФА ЎМКИда *Vinca* туркум ўсимликларидан олинган экстрактлар цитотоксик таъсири скрининг қилинди. Маълумки ушбу туркум ўсимликлари таркибида винкаалкалоидлар мавжуд бўлиб улар ўсимтага қарши фаоллик намоён қилади (R.Berges, 2014, V.Rai, 2014). Мисол учун, тиббиётда қўлланилаётган «Винкрестин» ва «Винбластин» препаратлари винка алкалоидларга мансуб. Шу сабабли *V. major* ўсимлигининг ер устки қисми ва илдизининг экстрактларининг цитотоксик фаоллиги ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Экстрактларнинг цитотоксик фаоллиги, хужайралар ўсишини ингибирлаш фойзи ($M \pm m$, $n = 9$)

Намуна, мкг/мл	HeLa		HEp-2		ФБК	
	100	10	100	10	100	10
<i>V. major</i> ер устки	71±2,9*	30±2,2	77±3,04*	43±2,49	40±0,5*	19±0,1
<i>V. major</i> илдизи	73±5,61*	50±4,38*	67±4,09*	5±0,05	30,4±0,1	0
Цисплатин –Тева	97,5±2,4	70±2,31*	89±0,28*	51±1,2 *	100±9,5*	72±3,1*
Назорат	0	0	0	0	0	0

Изоҳ: назоратдан ишонарли фарқи $P < 0,05$; *- назоратдан ишонарли фарқи $P < 0,01$

14

Ўрганилган экстрактлар орасида энг кучли цитотоксик фаолликни *Vinca major* илдизидан олинган экстракт намоён қилиши аниқланди (жадв. 1). Ушбу экстракт 10 мкг/мл концентрациясида бачадон бўйни ўсимтасини нормал хужайраларни нобуд қилмасдан ингибирлаши кейинги *in vivo* тадқиқот усуллар учун қизиқиш ўйғотмоқда.

Олинган маълумотларга асосан *Vinca* туркум ўсимликларида паразитловчи эндофит замбуруғлар экстрактларини скрининг қилишни мақсад қилдик. Шундай қилиб ЎЗР ФА Микробиология институтида (Т.Г.Гулямова раҳбарлиги остида) олинган *Vinca minor* ва *Vinca erecta* ўсимликларида паразитловчи *Solerotium sp*, *Alternaria sp*, *Penicillium sp*, *Acremonium sp* и *Aspergillius tureus* штамм замбуруғларининг 8 хил экстрактининг цитотоксик фаоллиги ўрганилди. Ушбу экстрактларда винкаалкалоидлар мавжуд бўлиб ўсимта хужайраларининг ўсишини ингибирлаши мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Замбуруғлар экстрактларнинг цитотоксик фаоллиги, хужайралар ўсишини ингибирлаш фойзи ($M \pm m$, $n = 9$)

Экстрактлар мкг/мл	HeLa			HEp-2			HBL-100			ПКГ	
	100	10	1	100	10	1	100	10	1	10	1
<i>Solerotium sp V. minor</i> барг	51±6,2	20,5±0,2	0±0,1*	43±1,8	30,5±0,3	21±0,6	73,5±8,8	47±1,6	29±0,9	40±4,9	12±2,0
<i>Penicillium V. minor</i> поя	24±0,4	19,5±2,1	6±0,1*	64±3,3	61±6,8	28±0,1	72±7,6	43±4,2	40±2,5	32±3,7	9±0,9

Acremonium <i>V. minor</i> барг	37,5 ±1,5	6,0 ±0,3	0	36± 1,2	5± 0,1*	3± 0,2*	53± 1,3	27± 1,0	25± 0,6	20± 3,2	8± 1,5
Alternaria <i>sp V. minor</i> барг	82± 8,6	6,5± 0,6	1± 0,1*	36± 0,9	26± 1,9	11± 0,1	91± 7,5	47± 3,8	32± 3,2	76± 9,5	54± 6,2
Aspergillus <i>tureus V. erecta</i>	51± 4,2	44± 3,6	9± 0,1*	53± 4,9	45,5 ±3,1	32± 0,9	56± 3,1	54± 3,1	49± 3,0	34± 3,1	12± 2,2
Penicillium <i>V. erecta</i> илдиз	36± 2,5	6,0± 0,1*	0	27± 0,6	20± 0,9	8±0, 1*	54± 2,4	50± 5,3	32± 1,2	29± 4,5	13± 2,9
Penicillium <i>V. erecta</i> барг	72,5 ±8,2	48± 4,6	39± 1,3	90± 9,7	39± 1,2	37,5 ±1,2	79± 9,8	53,5 ±4,7	45± 3,2	24± 3,8	16± 2,5
Alternaria <i>sp V. erecta</i> барг	54,5 ±2,5	28,5 ±2,2	13± 0,2	47,5 ±2,8	27± 0,8	13± 0,1	66± 5,2	64± 5,1	48± 2,8	50± 5,7	19± 2,7
Цисплатин Тева	99± 2,6	78± 1,9	32± 2,6	99,5 ±1,8	60± 1,6	41± 0,9	93± 4,9	76± 2,9	49± 0,3	100± 5,9	49± 3,3
Назорат	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

Изоҳ: назоратдан шубҳасиз фарқи $P < 0,05$; *- назоратдан шубҳасиз фарқи $P < 0,01$; назорат сифатида интакт ҳужайралардан фойдаланилган.

2 жадвалдан кўриниб турибдики, қуйи концентрациялардаги (1-10 мкг/мл) ўсимта ҳужайлари культураларида энг юқори ингибирловчи фаолликни *Alternaria sp барг (V. erecta)*, *Penicillium sp барг (V. erecta)* *Aspergillus tureus* илдиз (*V. erecta*) ва *Penicillium sp* поя (*V. minor*) экстрактлари намоён қилди. Бу экстрактлар ўсимтага қарши препаратлар билан солиштирганда гепатоцитлар нормал ҳужайраларига қарши қуйи цитотоксик фаолликни кўрсатди. Олинган экстрактлардан танлаб таъсир қилиш хусусиятига фақат *Alternaria sp барг (V. erecta)* экстракти намоён

15

қилган. Чунки HBL-100 – сут безлари ўсимтаси ҳужайраларида культуралар ўсишини ингибирловчи хусусият юқори бўлди. *Vinca erecta* ўсимлигининг баргида паразитловчи *Alternaria sp* замбуруғ экстракти танлаб таъсир қилувчи фаолликка эгаллиги сабабли кейинги ихтисослаштирилган *in vivo* тадқиқотларга тавсия этилди.

Сўнг ЎЗР ФА ЎМКИда (С.Ф. Арипова раҳбарлиги остида) Cragg – канцеролитик ўсимликлар рўйхатига кирувчи ўсимликлар алкалоидлари йиғиндиларининг цитотоксик фаоллиги скрининг қилинди.

C. krauseanus, *Buxus sempervirens* ўсимликлари ва *Arundo donax* илдиз

алкалоидлар йиғиндисининг цитотоксик фаоллиги ўрганилди (3-жадвал).

3-жадвал

Алкалоидлар йиғиндисининг цитотоксик фаоллиги, хужайралар ўсишини ингибирлаш фойзи ($M \pm m$, $n = 9$)


Намуна мкг/мл	HeLa		HEp-2		ФБК	
	100	10	100	10	100	10
<i>A. donax</i> илдизи АЙ	100±3,54	43±2,35*	100±6,72	55±2,53	39±1,5*	0
<i>C. krauseanus</i> АЙ	46,5±2,7	7±0,8*	60,8±3,9	43,6±0,5	100±9,3*	0
<i>B. sempervirens</i> АЙ	99,4±5,5	17±1,05*	97,8±7,7	4,2±0,03	100±11,2	36±2,4*
Цисплатин –Тева	97,5±2,4	70±2,31*	89±0,28*	51±1,2 *	100±9,5*	72±3,1*
Назорат	0	0	0	0	0	0

Изоҳ: назоратдан ишонарли фарқи $P < 0,05$; *- назоратдан ишонарли фарқи $P < 0,01$

Arundo donax илдизи ва *C. krauseanus* алкалоидлар йиғиндилари ўрганилган намуналар ичида юқори цитотоксик фаоллигини намоён қилиб нормал хужайраларга таъсир ўтказмай ўсимта хужайраларини ингибирлаши аниқланди. Бунда *Convolvulus* туркум ўсимликларининг АЙ 10 мкг/мл концентрациясида ҳиқилдоқ ўсимтасини 50% ингибирлаб бошқа ўрганилаётган хужайраларга таъсир ўтказмаслиги кузатилди. Шу сабабли бу алкалоидлар йиғиндиси *in vivo* тадқиқотларга тавсия қилинмоқда.

Convolvulus туркумига мансуб ўсимликлардан (*C. subhirsutus*, *C. krauseanus*, *C. pseudocanthabrica*) ЎЗР ФА ЎМКИда (С.Ф.Арипова раҳбарлиги остида) тропан алкалоидлари ажратиб олинган ва уларнинг кимёвий ҳосилалари олиниб цитотоксик фаолликлари ўрганилди.

Тўртта алкалоид: конвольвин (1), конволидин (2), конволинин (3) ва филлальбин (4) *Convolvulus* туркум ўсимликларидан ажратиб олинган. N бензил конвольвин (5) ва N-хлорацетил конвольвин (6) – конвольвинни синтетик ҳосилалари.



1. $R_1 = \text{H}$, $R_2 = \text{CH}_3$ 2. $R_1 = \text{H}$, $R_2 = \text{OH}$ 3. $R_1 = \text{CH}_2\text{CH}_2\text{-OH}$, $R_2 = \text{CH}_3$ 4. $R_1 = \text{CH}_3$, $R_2 = \text{CH}_3$ 5. $R_1 = \text{CH}_2\text{-C}_6\text{H}_5$, $R_2 = \text{CH}_3$ 6. $R_1 = \text{COCH}_2\text{Cl}$, $R_2 = \text{CH}_3$

Барча бирикмалар тузилиш жиҳатидан тропан скелетига эга бўлиб (8-азабициклооктан), тропин аминоспирти ва вератр кислотасининг (конвольвин, конволинин) ёки ванилин кислотасининг (конволидин) мураккаб эфирлари сифатида фақат азот атомидаги ўриндошлари билан фарқланади.

Алкалоидларнинг дастлабки скрининги турли концентрацияларда тўрт хил хужайраларда – HeLa, HEp-2, ФБК ва ГБК 100 мкг/мл концентрациясида олиб борилган (4-жадвал).

4-жадвал

Моддаларнинг 100 мкг/мл концентрациясида цитотоксик фаоллиги, хужайралар ўсишини ингибирлаш фойзи, % ($M \pm m$, $n = 9$)

Моддалар	HeLa	HEp-2	ФБК	ГБК
<i>Конвольвин</i>	83,0 $\pm$ 0,12	99,1 $\pm$ 0,24	100 $\pm$ 0,17	100 $\pm$ 0,25
<i>N-бензил конвольвин</i>	90,3 $\pm$ 0,22	100 $\pm$ 0,23	100 $\pm$ 0,28	100 $\pm$ 0,71
<i>Конволинин</i>	35,0 $\pm$ 0,12	79,0 $\pm$ 0,32	65,5 $\pm$ 0,31	89 $\pm$ 4,2
<i>Конволидин</i>	27,0 $\pm$ 0,35	20,0 $\pm$ 0,12	100 $\pm$ 0,41	98 $\pm$ 2,5
<i>N-хлорацетил конвольвин</i>	100 $\pm$ 0,24	98 $\pm$ 0,11	100 $\pm$ 0,13	100 $\pm$ 2,4
<i>Филлальбин</i>	44 $\pm$ 0,15	15 $\pm$ 0,2	0	14 $\pm$ 1,2
<i>Цисплатин-Тева</i>	100 $\pm$ 0,2	100 $\pm$ 1,5	100 $\pm$ 0,5	100 $\pm$ 2,5
<i>Назорат</i>	0	0	0	0

Изоҳ: назоратдан шубҳасиз фарқи $P < 0,05$.

4 жадвалдан кўриниб турибдики, нормал ва ўсимта хужайраларига нисбатан юқори цитотоксикликни конвольвин $R_1 = H$, $R_2 = CH_3$ (1) ҳамда унинг ҳосилалари: N-бензил конвольвин $R_1 = CH_2-C_6H_5$, $R_2 = CH_3$ (5), N хлорацетил конвольвин $R_1 = COCH_2Cl$, $R_2 = CH_3$ (6) намоён қилмоқда. Шу билан бирга, филлальбин (4) $R_1 = CH_3$, $R_2 = CH_3$ алкалоиди 100 мкг/мл концентрациясида кўпроқ бачадон бўйни ўсимтаси хужайралари ўсишини ингибирлаб, бошқа хужайраларга нисбатан 2-4 маротаба куйи цитотоксиклик намоён қилган. Яъни бирикмалар структурасидаги $R_1 = CH_3$, $R_2 = CH_3$ гуруҳлар ушбу бирикманинг заҳарлилигини пасайтирган.

Амалий тиббиёт учун оз ва жуда оз концентрацияларда фаол бўлган бирикмалар кўпроқ қизиқиш ўйғотади. Тажрибаларда айтиб ўтилган бирикмаларни 10 мкг/мл концентрациясида ҳам синалди (5-жадвал).

**Моддаларнинг 10 мкг/мл концентрациясида цитотоксик фаоллиги,
хужайралар ўсишини ингибирлаш фойзи ($M \pm m$, $n = 9$, $P < 0,05$)**

Моддалар	HeLa	HEp-2	ФБК	ГБК
Конвольвин	15,4±0,17	8,0±0,13	100±0,24	88±6,2
N-бензил конвольвин	35,0±0,25	81,6±0,28	39,0±0,22	42±3,1
Конволинин	0	11,0±0,25	0	8±0,02
Конволидин	33,0±0,22	28,0±0,31	35,0±0,22	24±2,2
N-хлорацетил конвольвин	99,7±0,22	97±0,33	100±0,22	100±3,6
Филлальбин	0	0	Пролиф.	0
Цисплатин-Тева	88,6±0,22	91±0,53	100±0,42	100±1,6
Назорат	0	0	0	0

17


Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 10 мкг/мл ёки 26,3 мМ/л ва 27,3 мМ/л концентрацияларида HeLa ва HEp-2 хужайларига қарши юқори фаолликни тегишли равишда N-бензил конвольвин (5) ҳамда N-хлорацетил конвольвин (6) намоён қилди. N-хлорацетил конвольвин (6) солиштирилаётган ўсимтага қарши препарат даражасида ўсимта хужайраларининг иккала турига ҳам юқори цитотоксик фаолликни намоён қилиш билан бирга, терининг нормал хужайраларига ҳам қарши фаоллик намоён қилган (Цисплатин инсон учун $LD_{50}=2,2$ мг/кг). Яъни бирикмалар структурасидаги $R_1 = COCH_2Cl$, $R_2 = CH_3$ гуруҳлари синалаётган хужайраларга нисбатан кескин заҳарлиликни оширади.

N-бензил конвольвин ҳиқилдоқ ўсимтаси хужайраларига қарши танлаб таъсир қилишни намоён қилиб, $IC_{50} = 12,3$ мМ/л (4,7 мкг/мл) ва нормал хужайраларга 3 маротаба кам заҳарлик (нормал хужайралар учун $IC_{50}=32,8$ мМ/л (12,5 мкг/мл). IC_{50} кўрсаткичидан ҳисоблаб чиқилган LD_{50} венага юборишда 12,0-13,0 мг/кг тенг, ҳиқилдоқ ўсимтаси ўсишини бостирадиган кутилаётган терапевтик концентрация эса 4,4-5,0 мг/кг бўлиши мумкин ҳамда буни *in vivo* тадқиқотларини амалга ошириб текшириш керак.

Табиий бирикмалар билан бирга индол алкалоидлари ва уларнинг фенилгидразин билан олинган ҳосилалари (пиразоллар) ўрганилди. Кўндаланг ичак ўсимтасига қарши цитотоксик фаолликка эга пиразолин (патент RU 2305545, 2006) ҳамда фенилгидразин сут безлари ва жигар ўсимтаси хужайраларини ингибирловчи (Hafez O.M., 2014) ҳосилалари маълум.

Профессор А.Х.Юлдашев *Vinca erecta* илдизидан индол алкалоид –

норфлуорокурарин ($C_{19}H_{20}N_2O$, винканин) ажратиб олинган ва пиразолнинг мураккаб ҳосиласи норфлуорокураринни фенилгидразин билан реакцияси натижасида норфлуорокурарин гидразони ($C_{25}H_{26}N_4$) синтез қилинган. Ушбу бирикмани хлорид кислота билан таъсирлашуви натижасида фенилгидразон норфлуорокурарин хлоргидрати $C_{25}H_{27}N_4Cl$, йодли метил билан эса – фенилгидразон норфлуорокурарин йодметилати ҳосил бўлади $C_{26}H_{29}N_4I$ (3-расм).



3-расм. Пиразол ҳосилалари: 1 - фенилгидразон норфлуорокурарин йодметилати, 2 - фенилгидразон норфлуорокурарин хлоргидрати.

18

Ушбу бирикмаларнинг цитотоксик фаоллиги ўрганилди. Натижада дастлабки бирикма – норфлуорокурарин гидразони ва фенилгидразин, ўзларининг ҳосилаларидан фарқли ўлароқ, кутилаётган фаоллик намоён қилмади (6-жадвал).

6-жадвал

Фенилгидразин ва норфлуорокурарин ҳосилаларининг цитотоксик фаоллиги, ҳужайралар ўсишини ингибирлаш фойзи ($M \pm m, n = 9$)

Бирикма, Мкг/мл	HeLa			HEp-2			HBL-100			ФКК		
	100	10	1	100	10	1	100	10	1	100	10	1
$C_{25}H_{27}N_4Cl$	83,5 ±8, 2	53± 3,9	38± 4,2	89± 12,2	45± 4,9	32±1, 6	91,6 ±2,1	36,9 ±0,2	27,8 ±0,9	100 ±6,0	41± 7,2	29± 0,9
$C_{26}H_{29}N_4I$	60±6 ,7	45± 2,5	11± 1,3	72± 3,1	55± 8,8	31±1, 8	49± 0,1	40± 0,5	38,6 ±1,1	96,7 ±5,2	0	0
$C_{25}H_{26}N_4$	67±5 ,4	30± 1,9	10± 0,6	24± 4,4	10,5 ±0,9	9±0,9	39± 3,2	27± 2,1	14± 1,5	98±7, 2	60± 3,1	34± 0,5
Фенилгид ра зин	100± 15, 5	99± 18	54± 23	99± 21,5	82± 11	37±5, 9	78± 5,0	54± 3,5	44 ± 2,5	100±2 2	85± 13	74± 9,5

Цисплатин –Тева	100± 7,1	72± 2,2	33± 1,9	100 ±11	79± 4,4	23,5± 2,5	70± 0,3	60± 0,5	54± 0,1	100±1 1,3	69± 7,5	34± 2,1
Назорат	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

Изоҳ: назоратдан шубҳасиз фарқи $P < 0,05$.

6 жадвалдан кўриниб турибдики, фенилгидразон норфлуорокурарин хлоргидрати ($C_{25}H_{27}N_4Cl$) 24 мМ/л (10 мкг/мл) концентрациясида ўсимта ҳужайраларига қарши юқори цитотоксик фаолликка фенилгидразон норфлуорокурарин хлоргидрати эга бўлиб, барча ҳужайралар ўсишини 50 % сусайтириб, нормал ҳужайраларда цитотоксиклиги Цисплатинга нисбатан анча паст. Бу бирикманинг $LD_{50}=7,7-12,5$ мг/кг га тенг. Фенилгидразон норфлуорокурарин йодметилати анча танлаб таъсир қилиб, 19,1 мМ/л (10 мкг/мл) концентрациясида фибробластларда токсик эмаслиги ва бошқа ўсимта ҳужайралари ўсишни сусайтиради. $LD_{50}=48-52$ мг/кг, 50% га яқин ҳиқилдоқ ўсимтаси ҳужайраларини, 40 % га яқин сут беги ва бачадон бўйни ўсимтаси ҳужайралари ўсишини тўхтатувчи кутилаётган терапевтик доза эса 10 мг/кг га тенг. Бундан ташқари, фенилгидразон норфлуорокурарин йодметилати 1-10 мг/кг концентрацияларида Цисплатин каби ЛДГ цитозол ферменти “чиқиб кетишига”, яъни мембрана бузилишига олиб келган бўлса, юқори цитотоксик фаолликка эга фенилгидразон норфлуорокурарин хлоргидрати таъсирида бу ҳол кузатилмайди.


Шундай қилиб, ўсимта ҳужайралари ва фибробластларга қарши юқори цитотоксик фаолликка фенилгидразон норфлуорокурарин хлоргидрати эга, яъни умуман танлаб таъсир қилмайди. Шу пайтда фенилгидразон норфлуорокурарин йодметилати анча танлаб таъсир қилиб, 1-10 мкг/мл (1,91-19,1 мМ/л) концентрациясида ўсимта ҳужайраларининг ўсишини тўхтатиб, уларнинг мембранасини шикастлайди ва нормал ҳужайралар – фибробластларга нисбатан токсик таъсир кўрсатмайди. Иккала ҳосила кейинчалик истиқболли ўсимтага қарши препаратларнинг компонентлари сифатида *in vivo* усуллари ёрдамида текширилиши мумкин.

19

Табиий бирикмаларнинг ҳосилалари билан бир қаторда юқори самарали ўсимтага қарши препаратларни яратишда синтез йўллари билан олинган бирикмалар ҳам истиқболли саналади. Адабиётларда нормал ҳужайраларга нисбатан қуйи цитотоксикликка, сут беги ўсимтаси 755 ҳужайраларини ингибирловчи (патент RU № 2429224, 2009й.) ёритилган. Шу билан бирга фенилсирка кислотасининг қатор ҳосилалари синтез қилиниб эпителиал ҳужайралардан ҳосил бўлувчи неоплазияни даволашда қўллаш тавсия қилинмоқда (Б.С.Федоров, 2009й.).

Шу сабабли М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кимё факультетининг органик синтез лабораториясида (Абдушукуров А.К.

рахбарлиги остида) синтез қилинган фенил- ва феноксисирка кислоталарининг ҳосилаларининг цитотоксик фаоллиги *p*-Cl ацетилфенилсирка кислота ва *p*-Cl-феноксисирка кислотаси ўрганилди (4-расм, 7-жадвал).



(1) (2) 4-расм. фенил- ва феноксисирка кислоталарининг ҳосилалари - *p*-Cl-ацетилфенилсирка кислота (1) ва *p*-Cl- феноксисирка кислота (2)

7- жадвал

Фенокси- ва фенилсирка кислота ҳосилаларининг цитотоксик фаоллиги, ҳужайралар ўсишини ингибирлаш фойзи ($M \pm m$, $n = 9$)

№	Бирикма мкг/мл	HeLa		HEp-2		HBL-100		ФКК	
		10	1	10	1	10	1	10	1
1	<i>p</i> -Cl-ацетилфенилсирка кислота	13,3± 2,0	41± 1,2	23± 1,2	53± 5,1	60,0 ±1,5	60,0 ±0,9	25± 1,0	16± 0,9
2	<i>p</i> -Cl- феноксисирка кислота	4,3± 0,9	0	57± 4,2	43,6± 0,5	33± 0,2	29 ±2,0	15± 0,2	19± 1,1
3	Цисплатин –Тева	68,5± 3,4	35± 2,3	76± 1,3	44± 1,2	76± 4,5	49± 3,0	72± 3,2	45± 2,2

Изоҳ: назоратдан ишонарли фарқи $P < 0,05$.

7 жадвалда берилишича, *p*-Cl-ацетилфенилсирка кислота фақат 1 мкг/мл концентрациядагина яққол цитотоксик фаоллик намоён қилиб, Цисплатинга нисбатан нормал фибробласт ҳужайраларининг культурасига деярли таъсир қилмасдан барча ўсимта ҳужайралари ўсишини ингибирлаши аниқланди. *p*-Cl-феноксисирка кислота 1-10 мкг/мл концентрацияларида ҳиқилдоқ ўсимтасини ингибирлаб, нормал ҳужайраларга, хусусан, фибробласт ҳужайраларининг культурасига, сут беги ва бачадон бўйи ўсимталарига жуда паст цитотоксик фаоллик кўрсатди. Бундан ташқари, мазкур бирикмалар 1 мкг/мл концентрациясида ўсимта ҳужайралари мембраналарининг шикастланишига олиб келиши аниқланган. Бу, ўз

20

навбатида, ЛДГ-тестда культурал суяқликда цитозол ферменти лактатдегидрогеназининг пайдо бўлиши билан тасдиқланмоқда. Шундай қилиб, *p*-Cl-ацетилфенилсирка кислота 4,7 мМ/л (1 мкг/мл)

концентрациясида ҳиқилдоқ, сут беи ва бачадон бўйи ўсимталарини 50 % ингибирлайди. LD₅₀ 18-22 мг/кг, кутилаётган терапевтик доза эса 1-10 мг/кг ташкил қилади. n-Cl-феноксисирка кислотасининг ҳиқилдоқ ўсимтаси учун IC₅₀=52 мМ/л (10 мкг/мл), LD₅₀=81-92 мг/кг, кутилаётган терапевтик доза эса 1-10 мг/кг бўлиб, бунда ҳиқилдоқ ўсимтаси ингибирланади. Қўйилган вазифаларнинг биринчи бўлимини – **ўсимта хужайралари ингибиторларини аниқлаш ишларини** бажарилиши натижасида *Convolvulus krauseanus* ўсимлигининг ер устки қисмидан, *Arundo donax* ўсимлигининг илдизидан олинган алкалоидлар йиғиндилари ҳиқилдоқ ўсимтасини ингибирлаб, нормал хужайраларга нисбатан қуйи токсикликни намоён қилмода. *Vinca major* ўсимлигининг илдиз алкалоидлари йиғиндиси бачадон бўйи ўсимтасини ингибирлаб, бошқа, жумладан, нормал хужайраларда бундай таъсир курсатмайди. *Vinca* туркум ўсимликларида паразитловчи эндофит замбуруғлар экстрактларидан нормал хужайралар учун қуйи ўсимта хужайралари учун юқори токсикликни намоён қилувчи – *Alternaria* sp (*V. erecta* баргларида), *Penicillium* sp (*V. erecta* барглари, *V. minor* поясида), *Aspergillus terreus* (*V. erecta* илдизи) экстрактлар ажратиб олинган. Индивидуал бирикмалардан нормал хужайраларга қуйи токсиклик намоён қилувчи, ҳиқилдоқ ўсимтасига танлаб таъсир этувчи иккита – N-бензил конвольвин ва n-Cl-феноксисирка кислота ҳамда танламай таъсир қилувчи ҳиқилдоқ, сут беи ва бачадон бўйи ўсимталари ингибиторларининг иккитаси – n-Cl-ацетилфенилсирка кислота ва фенилгидразон норфлуорокурарин йодметилати. Ўрганилган индивидуал бирикмалардан иккита хлорсақловчи бирикмалар – фенилгидразон норфлуорокурарин хлоргидрати ва N хлорацетил конвольвин Цисплатинга ўхшаш цитотоксик фаоллик намоён қилган ва кейинчалик ўсимтага қарши *in vivo* тажрибаларини олиб бориш мумкин.

Кейинги вазифалардан бири сифатида **регенератив тиббиёт учун нормал хужайралар пролифераторларини аниқлаш** бўйича изланишлар амалга оширилган.

Маълумки, флаваноидлар ва фитостероидлар оксил биосинтезини индукциялаши ҳамда нормал хужайраларнинг пролифераторлари бўлиши мумкин. Проллифераторларни аниқлаш регенератив тиббиёт, косметология ва спорт учун жуда муҳим.

Шу сабабли ЎзР ФА ЎМКИ Экспериментал технологик лабораториясида (А.У.Маматханов раҳбарлиги остида) ажратиб олинган фитостероидлар ва уларнинг йиғиндисини (*Ajuga turkestanica* ўсимлигидан ажратиб олинган экдистерон ва туркестерон ҳамда аюстан – фитостероидлар, иридоидлар ҳамда бошқа бирикмалар йиғиндиси), флаваноидларни (*Ferula tenusecta* ўсимлигининг илдизидан олинган панаферол, *Ferula kuchistanica* ер устки қисмдан ажратиб олинган куфестрол, *Ferula varia* ер устки қисмдан ажратиб олинган цинарозид, *Glyssiriza glabra* ўсимлигининг ер устки

фаоллигини тадқиқ қилишни долзарб деб ҳисобладик. Тадқиқотлар ФҲК нинг 5-7 пассажаларида олиб борилган. Барча ўрганилган флавоноидлар ва “Аюстан” препарати 0,3-100 мкг/мл концентрацияларида сезиларли пролифератив фаоллик намоён қилмаган, туркестерон ҳамда экдистерон фитостероидлари эса бундан мустасно (8-жадвал).

8-жадвал

Флавоноидлар ва фитостероидларнинг ФҲКда пролифератив фаоллиги ($M \pm m, n = 3$)

Моддалар	Фибробластларнинг тирик ҳужайралари проценти, %							
	100 МКГ/МЛ	50 МКГ/МЛ	25 МКГ/МЛ	12,5 МКГ/МЛ	6,25 МКГ/МЛ	3,12 МКГ/МЛ	1,6 МКГ/МЛ	0,8 МКГ/МЛ
Аюстан	67±0,11	62±0,22	78±0,3	64±0,11	89±0,22	72±0,21	94±0,23	106±0,3
Туркестерон	125±4,3	130±6,0	142±5,1	178±2,5	159±5,2	130±7,26	100±4,5	100±7,3
Экдистерон	91±8,7	90±3,5	101±4,2	180±9,2	130±5,3	134±9,5	146±7,3	100±5,3
Панаферол	0±0,02	0±0,2	0±0,1	0±0,05	0±0,1	0±0,2	48,9±2,3	74±3,3
Пиносембрин	0±0,1	0±0,05	0±0,02	14±0,6	105±8,3	119±4,3	106±9,2	99±4,3
Цинарозид	58±11,2	93±9,3	75±2,1	79±9,7	91,5±6,2	91,4±6,0	81,8±6,1	84±7,1
Глабронин	23±4,2	72,9±8,6	76,3±4,9	112±1,2	113±9,3	108±11,4	107±7,2	105±4,5
Пурнетин	0±0,1	0±0,02	0±0,01	47±2,2	135±9,5	122±11,5	97±7,7	110±5,5
Назорат	100%							

Изоҳ: назоратдан ишонарли фарқи $P < 0,05$; * $P < 0,01$.

